

2020

STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990)

Fazilat Qo'ysinova

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD., fazilatflower@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Islamic World and Near East History Commons](#)

Recommended Citation

Qo'ysinova, Fazilat (2020) "STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990)," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss4/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

DOI: 10.47980/TLOI/2020/4/8

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (1969-1990)

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ОРГАНИЗАЦИИ ИСЛАМСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА (1969-1990)

STAGES OF DEVELOPMENT OF THE ORGANIZATION OF ISLAMIC COOPERATION (1969-1990)

Fazilat ARIPOVNA QO‘YSINOVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD,
fazilat_aripovna@mail.ru.
II, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

Аннотация: Мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилотининг тараққиёт босқичлари таҳлилга тортилиб, ташкилотнинг вужудга келиши жараёнидаги тарихий воқеликлар, унинг мақсад ва вазифалари, аъзо давлатлар сиёсий консолидациясидаги ўрни, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро ташкилот сифатида шаклланиши ва унинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрни тадқиқ этилган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро ташкилот сифатида ўзига хос ўринга эга бўлиб, унинг вужудга келиши мусулмон давлатлари интеграцияси жараёнидаги таъсир кўрсатган муҳим институционал ҳолат ҳисобланади. Сиёсий жараёнлардаги динамик ўзгариш, мусулмон бирдамлигининг кучайиши, умумий хавф-хатарга қарши курашда ҳамжихатлик, Фаластин халқида ҳамдардлик ва ислом дини омиллари Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилишига асос бўлган. Ислом ҳамкорлик ташкилоти мусулмон олами сиёсий позициясини акс эттирувчи омил ҳисобланиб, тўрт қитъада жойлашган 57 та давлат аъзоларидан иборат ягона сиёсий платформа бўлиб, халқаро майдонда халқаро муносабатларнинг асосий актори сифатида самарали фаолият олиб бормоқда. Ташкилотнинг асосий фаолияти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мадани ва илмий соҳаларда мусулмон мамлакатлари ўртасида ҳамжихатлик асосида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ислом бирдамлигини таъминлаб, халқаро майдондаги фаолиятини ўзаро ҳамжихатлик ва ҳамкорлик асосида ташкил қилиш, мусулмонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилотга аъзо давлатларни ривожланидиган мамлакатлар қаторига қўшилишига кўмаклашиш, давлатлар ўртасидаги сиёсий муаммолар ва зиддиятларни олдини олиш ва бартараф қилишга қаратилган. Ислом ҳамкорлик ташкилоти сиёсий жиҳатдан мусулмон ҳамжихатлигини вужудга келтирган, ислом

уммасини бирлаштирган, халқаро майдонда уларнинг манфаатларини ҳимоя қила олган, бутун мусулмон оламининг интеграциясини таъминлаш мақсадида фаолият юритаётган халқаро ташкилот эканлиги таъкидланган.

Ушбу мақолада Ислом ҳамкорлик ташкилоти тузилиши натижасида мусулмон давлатларининг ҳамкорлик органи вужудга келиб, аъзо давлатлар бирдамлигининг етакчи элементи диний омилга таяниб, ислом умумий мезонлар бўйича интеграциянинг асосий принциплари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Ислом, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, актор, геосиёсат, ҳамжихатлик, ҳамдардлик, консолидация, интеграция, ҳамкорлик.*

Аннотация: В статье проведен анализ этапов развития Организации исламского сотрудничества, исторических событий, при которых была создана организация, ее целей и задач, места и роли в политической консолидации государств-членов, а также ее формирования в качестве международной организации и ее роли в системе международных организаций.

Организация исламского сотрудничества как международная организация имеет свое особое место и оказывает большое институциональное влияние на интеграционные процессы мусульманских стран. Динамические преобразования в политических процессах, усиление мусульманской консолидации, сотрудничество в борьбе с общими угрозами и вызовами, содействие и оказание помощи палестинскому народу, а также факторы исламской религии явились той основой, на которой была создана организация. Сегодня Организация исламского сотрудничества считается организацией, выражающей политическую позицию мусульманского мира и ведет эффективную деятельность в качестве основного актора международных отношений в мировой политике, объединяя в своих рядах 57 стран мира.

Основная деятельность организации направлена на содействие социальному, экономическому, политическому, культурному и научному сотрудничеству мусульманских стран на основе исламской консолидации, организации своей деятельности на международной арене на основе сотрудничества и партнерства, защиту интересов мусульман, содействие развитию стран-членов организации, предотвращение политических проблем и противоречий между ними и др.

В статье отмечено, одна из основных задач Организации исламского сотрудничества - защита интересов мусульманских стран на международном уровне и обеспечение интеграции всех мусульман мира.

В заключительной части статьи сделаны выводы о том, что в результате создания Организации исламского сотрудничества возник орган сотрудничества исламских стран, главным объединяющим фактором которого был Ислам.

Ключевые слова: *Организация исламского сотрудничества, Организация Исламской конференции, консолидация, интеграция, интересы мусульманских стран, актор, геополитика, сотрудничество, Ислам.*

Abstract: The article analyzes the stages of development of the Organization of Islamic Cooperation, historical events in which the organization was created, its goals and objectives, place and role in the political consolidation of the member states, as well as its formation as an international organization and its role in the system of international organizations.

The Organization of Islamic Cooperation as an international organization has its special place and has a great institutional impact on the integration processes of Muslim countries. Dynamic transformations in political processes, strengthening of Muslim consolidation, cooperation in the fight against common threats and challenges, assistance and assistance to the Palestinian people, as well as factors of the Islamic religion were the basis on which the organization was created. Today, the Organization of Islamic Cooperation is considered to be an organization that expresses the political position of the Muslim world and conducts effective activities as the main actor in international relations in world politics, uniting 57 countries of the world in its ranks.

The main activity of the organization is aimed at promoting social, economic, political, cultural, and scientific cooperation between Muslim countries based on Islamic consolidation, organizing its activities in the international arena based on cooperation and partnership, protecting the interests of Muslims, promoting the development of member countries of the organization, preventing political problems and contradictions between them, etc.

The article notes that one of the main tasks of the Organization of Islamic Cooperation is to protect the interests of Muslim countries at the international level and ensure the integration of all Muslims in the world.

In the final part of the article, it is concluded that as a result of the creation of the Organization of Islamic Cooperation, a cooperation body of Islamic countries emerged, the main unifying factor of which was Islam.

Keywords: *Organization of Islamic Cooperation, Organization of the Islamic Conference, consolidation, integration, interests of Muslim countries, actor, geopolitics, cooperation, Islam.*

КИРИШ

Жаҳонда халқаро алоқаларнинг самарали тизими халқаро муносабатлар факторларига боғлиқ бўлиб, уларнинг давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда етакчи ўрин тутаётганлиги халқаро ташкилотлар фаолиятини илмий жиҳатдан атрофлича тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Халқаро муносабатлар тизимида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг мусулмон олами сиёсий позициясини акс эттириши алоҳида аҳамиятга моликдир. Мусулмон давлатларининг ҳамкорлик жараёнларига таъсир кўрсатган омиллар ичида энг муҳим институционал ҳолат Ислом ҳамкорлик ташкилотининг вужудга келиши ҳисобланади. Шу жиҳатдан Ислом конференцияси ташкилотининг

фаолияти ва унинг минтақавий муаммоларни ҳал қилиш борасидаги фаолиятини тўлиқ тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Дунё миқёсида Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро ташкилот сифатида ўзига хос ўринга эга бўлиб, ташкилот фаолиятини ўрганиш бутун мусулмон дунёсида ҳамкорлик жараёнларини ривожлантириш, шунингдек, айрим аъзо давлатлар ташқи сиёсатига таъсир этадиган омилларни аниқлаш ва таҳлиллар асосида илмий хулосалар ишлаб чиқиш имконини беради.

ТАҲЛИЛ

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши борасида фикр юритишдан аввал бевосита Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий жараёнлар ва бу жараёнларнинг ташкилотни вужудга келишидаги таъсири ҳамда сиёсий омилларига тўхталсак. Яқин Шарқ минтақасининг халқаро муносабатлардаги ўрни, геосиёсий ва геоиктисодий аҳамияти юқори ҳисобланиб минтақа қадим цивилизация ўчоқларидан саналади. Дунё динлари, яъни яҳудийлик, насронийлик ва ислом динининг бешиги ҳисобланган, турли маданиятлар хилма хиллиги мавжуд бўлган ушбу ҳудудда фақатгина Ислом цивилизацияси устунликка эга, дея эътироф этилсада бошқа динларнинг ҳам етакчиликлари интилиши сабабли минтақа доимо низолар, мафкуравий ва диний қарама-қаршиликлар маркази бўлиб келган.

Географик жиҳатдан Яқин Шарқ Европа, Осиё ва Африкани боғлайдиган муҳим минтақа ҳисобланганлиги боис XVIII-XIX асрларда Туркия, Англия, Франция, Германия, XX асрда эса АҚШ ва СССРнинг ҳудудга нисбатан манфаатдорлигининг юқорилиги минтақада кудратли давлатлар геосиёсий стратегиясини турли сценарийлар асосида шаклланишига олиб келди. Тадқиқотчи олимлар З.Мунавваров (*Munavvarov Z., 1994: 429*) (*Munavvarov Z., 1997:256*), С.Ғафуров (*G'afurov S.M., 2002: 290*), Н.Абдуллаев (*Abdullayev N.A., 2000: 24*), М.Муҳаммадсидиқов (*Muhamadsidiqov M.M., 2018: 272*), Ф.Каримов (*Karimov F.E., 2017: 20*), А.Янис (*Yannis A., 2018: 166*), П.Мэнсфилд (*Mansfield P., 1991: 429*), А.Шумилин (*Shumilin A., 2009: 39*), Ц.Чикаидзе (*Chikaidze S.M., 2009: 32*) илмий ишларини таҳлил қилиш асосида Яқин Шарқ ҳудудда нефть захираларининг аниқланиши натижасида минтақанинг халқаро майдондаги нуфузи ошиши билан бирга, кудратли давлатларнинг сиёсий ҳукмронлигини ўрнатишга интилиши ва геосиёсий курашларнинг авж олиш жараёни кузатиш деган хулосага келдик.

Яқин Шарқ минтақаси давлатларининг энергетик салоҳияти ҳар доим ҳам уларнинг

фаровонли учун хизмат қилмаган. Саул Коэн минтақага нисбатан «парчаланиш тасмаси» (ингл. *shatterbelt*) терминини ишлатиб, «Яқин Шарқ қудратли давлатлар манфаатлари тўқнаш келадиган, бир қатор бир-бирига қарама-қарши мамлакатларни қамраб олган, стратегик муҳим аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади», дея таъкидлаган (*Cohen S., 1964: 22*). Юқорида келтирилган фикрлар асосида шуни таъкидлаш жоизки, Яқин Шарқ минтақаси XX асрнинг иккинчи ярмида сиёсий, иқтисодий жараёнларда кескинлик ва мураккабликлар майдонида айланди. XX асрнинг иккинчи ярмида минтақада содир бўлган сиёсий жараёнлар: ҳудуддаги давлатларнинг сиёсий мустақиллик учун курашлари; минтақа давлатларининг иқтисодий-молиявий имкониятларининг ўсиши; зиддиятлар, уруш, можаролар, шунингдек, диний, этник, миллий, сиёсий қарама-қаршилиқларнинг вужудга келиши ва кескинлашиши билан изоҳланади.

Ушбу жараёнлар қуйидаги воқеликлар билан характерланади: Фаластин ҳудудида Исроил давлатининг ташкил топиши; Сувайш инқирози; бир неча маротаба юз берган ва ҳанузгача ечимини топмаган араб-Исроил урушлари; араб монархияларининг ташкил топиши ва араб давлатлари сиёсий архитектурасининг ўзгариши (бошқарувнинг турли моделлари мавжуд давлатларнинг ташкил топиши); сиёсий инқилобларнинг содир бўлиши; араб давлатлари ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар (Ливан-Сурия, Ироқ-Эрон ва б. низолар) ва ҳоказолар.

Таҳлиллар натижасида минтақадаги сиёсий жараёнларнинг динамик ўзгариши билан биргаликда араб давлатлари ҳамкорлигининг фундаментал асослари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам ўрганилди. Араб давлатлари ҳамкорлиги омиллари сифатида ҳудуд бирлиги, тил бирлиги, дин бирлиги (ислом дини), маданий бирлик, умумий бозор бирлиги, мустамлакачилик ҳамда умумий хавф-хатарга қарши курашда ҳамжиҳатлик ва Фаластин халқиға ҳамдардлик омиллари кабиларни келтириш мумкин.

Шунингдек, минтақада ҳамкорлик жараёнларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида халқаро ҳамда давлатлараро ташкилотлар ҳам ташкил этилган. Халқаро ташкилот тузиш йўли билан бутун дунё мусулмонларини бирлаштириш ғояси Биринчи жаҳон уришидан сўнг Фаластин арбоблари орасида вужудга келган. Бундай ғояни Қуддус муфтийси шайх Муҳаммад Амин ал-Хусайний биринчилар қаторида илгари сурган (*Yovqochev Sh., 2016: 176*). Халқаро ва давлатлараро ташкилотлар олдида сиёсий жараёнларда давлатлар

ҳамкорлигини таъминлаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий интеграция жараёнларини тўғри, манфаатли ташкиллаштириш масаласи қўйилган, лекин бундай турдаги ташкилотлар фаолияти ҳамиша ҳам самара бермаган. Чунки, халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан давлатларнинг миллий худбинлигини бартараф этиш ва давлатлараро манфаатлар мувозанатини таъминлаш энг муҳим вазифа сифатида белгиланиб ушбу вазифа амалга оширилсагина нафақат бир макон, бир давлат, балки барча мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, умумжаҳон муаммоларини ҳал қилишда ушбу ташкилотлар етакчи ўрин тутар эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, халқаро ва минтақавий ташкилотлар миқёсида мусулмон бирдамлиги ва давлатлар консолидациясини амалга оширишда Ислом ҳамкорлиги ташкилоти самарали фаолият олиб бормоқда.

Жумладан, Аминуддин Мутмайн Айнуддин қайд этишича, «Ислом конференцияси ташкилоти (Ислом ҳамкорлиги ташкилоти) – интеграцияга асосланган махсус бирлашма ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ислом конференцияси ташкилоти фақатгина иқтисодий ва ижтимоий соҳалардагина эмас, балки, халқаро хавфсизлик муаммоларини, турли цивилизациялар ўртасидаги зиддиятларни шунингдек, халқаро миқёсдаги кўплаб долзарб масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этаётган кўп тармоқли интеграцивий ташкилотдир» (*Aminuddin M., 1990: 5*).

Америкалик олим С.Хантенгтоннинг қайд этишича, «Масихий, православ, буддист ва яҳудий давлатларида диний асосларда тузилган давлатлараро ташкилотлар мавжуд эмас, мусулмон давлатлари учун эса бундай ташкилот мавжуд ва у Ислом конференцияси ташкилотидир» (*Huntington S., 1998: 25*). Шахноз Ахтар тадқиқоти таҳлилида Ислом конференцияси ташкилоти авваломбор панисломизм натижасида намоён бўлганлиги таъкидланади (*Akhtar Sh., 2002: 62*). Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти борасида олим Аль-Файз Муҳаммад Зиёб «Ислом конференцияси ташкилоти ўз фаолияти давомида мусулмон мамлакатларининг халқаро алоқаларини ривожлантиришга таъсир кўрсатган муҳим воситага айланди. Ташкилот исломнинг таъсири ва мусулмон дунёсининг обрўсини оширишга улкан ҳисса қўшди», дея таъкидлайди (*Mohammed Z., 1990: 14*).

Сиёсатшунос Ш.Ёвқочев ташкилотнинг халқаро майдондаги аҳамияти борасида «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ислом ҳамжамияти олға сурган ташаббусларни ижобий қабул қилиб,

мусулмон давлатлари халқаро ва давлатлараро ташкилотлардан авваломбор Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолроқ ишлай бошлади» – дея фикр билдиради (*Yovqochev Sh., 2016: 18*). Иброҳим Шарқий келтирганидек «Ислом ҳамкорлик ташкилотининг мусулмон дунёсидаги можароларга таъсир кўрсатишдаги ноёб қобилиятини уч соҳада: маданий баркамоллик, маънавий қувват ва шерикликда кўриш мумкин» (*Sharqieh I., 2012: 226*). Дарҳақиқат, Ислом ҳамкорлик ташкилоти «Бугунги кунда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича энг нуфузли ва йирик институтлардан бири» (<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston->) бўлиб, халқаро жараёнларда фаол иштирок этиб келаётган, мусулмон давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик, интеграция, иттифоқчилик ва бирдамликни вужудга келишига асос бўлган халқаро ташкилот ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилотини мусулмон давлатларини бирлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этади. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев «Аъзо давлатларни мусулмон оламида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш йўлида бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликнинг ишончли механизмларини, аъзо мамлакатларнинг долзарб масалалари юзасидан мулоқот қилиш учун ўзига хос майдон яратишга хизмат қиладиган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг роли ва масъулияти янада ортмоқда» (<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston->) дея таъкидлаши замирида ташкилотнинг халқаро майдондаги фаолияти, унинг мавқеи, шунингдек, барча аъзо давлатлар ҳамжиҳатлигини таъминлашдаги ролини ошаётганлигидан далолат беради.


Фикримиз давоми сифатида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиш жараёни ва сиёсий воқеликлар таҳлилига ўтсак.

Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган кескин сиёсий жараёнлар, яъни араб-Исроил урушларидаги мағлубият, Фаластин муаммоси, шунингдек, 1969 йил 21 августда муқаддас Қуддуси Шарифда жойлашган Ал-Ақсо (Масжидул Ақсо) масжидига ўт кўйилиши (<https://islamhashtag.com/history>) бутун мусулмон халқини ларзага солиб, барча Араб давлатлари учун узоқ йиллик ҳамкорликни таъминлашга чақириқ ҳисобланди. Фундаментал асос яъни, мусулмон ҳамжиҳатлиги ва бир ғоя остида бирлашиш натижасида 1969 йил 25 августда Қохира шаҳрида 14 та араб давлати Ташқи ишлар вазирлари йиғилишида халқаро майдонда мусулмон уммаси манфатини ҳимоя қилишга қаратилган Ислом Конференциясини чақириш борасидаги ташаббус қўллаб-қувватланди.

Умумий хавфга қарши кураш омили мусулмон давлатларини ҳамжиҳатликка нисбатан эҳтиёжини

кучайтириб, турли геосиёсий урушлар ва низоларда Ислом бирлиги асосида мусулмон давлатларини бирлаштириш, халқаро миқёсда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1969 йил 25 сентябрда Марокаш пойтахти Рабат шаҳрида мусулмон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари йиғилиши Ислом конференцияси ташкилоти (Ислом ҳамкорлик ташкилоти) ташкил этилганлигини эълон қилди. Ташкилот штаб квартираси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлаштирилди ҳамда ташкилотнинг дастлабки мандати сифатида Қуддус ва Ал-Ақсо сионистлар тажовузидан ҳимоя қилиш белгилаб олинди (<http://www.oic-oci.org/>). Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро миқёсда мусулмон давлатларининг мазҳабларига, ирқиға, сиёсий қарашларига, иқтисодий фарқланишига қарамадан бирлаштирган, ислом уммасининг узоқ йиллик интилишларини ўзида ифода этган ташкилот сифатида халқаро майдонда фаолият олиб борди.

Ташкилотга аъзолик ҳолати 1969 йил 25 сентябр Рабат конференциясида 25 давлатни ташкил этган бўлса, ташкилотнинг фаолияти халқаро майдонда кенгайиши натижасида 1970 йилларда 42 та давлатни, 1980 йилларда 45 давлатни, 1990 йилларда 56 та ва 2001 йилда ташкилотга Кот-Д'Ивуар Республикаси аъзолиги белгиланиши билан, аъзолар сони ҳуқуқий жиҳатдан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган 57 та давлатни ташкил этиб, ташкилот аъзолиги динамик тарзда ўсган.



Юқорида келтирилган фикрларни умумлаш-тирган ҳолда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг халқаро ташкилот сифатида вужудга келишидаги асосий мезонлар қуйидагиларда акс этди:

- халқаро шартнома ва келишувлар асосида тузилганлиги;
- халқаро ҳуқуқнинг белгиланган нормаларига амал қилиши;
- ташкилотга Ислом динига эътиқод қилувчи мустақил давлатлар аъзолиги;
- дастурий ҳужжатларда мақсад ва вазифалар қатъий белгиланганлиги;
- Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро ҳуқуқнинг тўла қонли субъекти ҳисобланиши;

– ислом ҳамжиҳатлиги ташкилотнинг асосий мақсади қилиб белгиланганлиги.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташкилий структурасининг вужудга келиш жараёни икки босқичда амалга оширилганлиги кузатилади:

биринчи босқич, ташкилот Халқаро Ислом конференцияси сифатида икки форум: - Қироллар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари конференцияси (Саммит) ва Ташқи ишлар вазирлари конференцияси доирасидаги фаолият юритиши;

иккинчи босқич, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош қотибиятининг ташкил этилиши ва ташкилот Уставининг қабул қилиниши. Ушбу жараён Ислом конференциясини халқаро Ислом конференцияси ташкилоти сифатида трансформациялашуви асос бўлиб, ташкилотнинг ташкилий структураси тўлиқ шаклланди. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг тузилмалар тизими трансформациялашуви ташкилот фаолият самарадорлигининг динамик равишда ўсиб боришига асос бўлган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти дастурий ҳужжатлари ўрганилганда, асосий сиёсий мақсад ва манфаатлар ташкилот Уставида белгиланганлиги аниқланди. Уставнинг халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қабул қилиниши Ислом ҳамкорлик ташкилотини халқаро ташкилот сифатидаги мақомини расмий равишда тасдиқлаган. Шунингдек, ташкилотнинг саммит ва конференцияларида қабул қилинган декларацияларда сиёсий мақсад ва манфаатлар сифатида қуйидагилар намоён бўлган:

- Ислом ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш;
- мусулмон давлатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш;
- ирқий камситиш ва мустамлакачиликни бартараф этишга кўмаклашиш;
- тинчлик ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш;
- Фаластин халқига, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, босиб олинган ҳудудларда истикомат қиладиган фаластинликларга зарурий ёрдам кўрсатиш;
- мусулмон мамлакатларининг мустақиллик ва миллий ҳуқуқларини таъминлашлари учун курашларини қўллаб-қувватлаш;
- Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун шароит яратиш ва ҳоказолар (<http://www.oic-oci.org/ex-summit>).

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташкил топган кундан бошлаб аъзо давлатлар ўртасида икки хил тенденция шаклланди:

1) ҳамкорлик - давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат араб давлатлари, балки барча мусулмон

мамлакатлари ўртасида йўлга қўйилиши, Фаластинни қўллаб-қувватлаш, мусулмон дунёсининг обрў-эътибори, мавқеи учун бирлашиш истаги вужудга келганлиги;

2) рақобат – ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги рақобат, сиёсий жараёнларда ўз ҳукмини ўтказиш, етакчиликни таъминлаш, ташкилот доирасида айнан ўзининг иродасини сингдиришга интилувчи давлатлар сафининг ортиб боришида кузатилган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг дастлабки йилларида унинг иш самарадорлиги чуқур стратегик мақсадларни қамраб олиб, сиёсий фаолликнинг юқори даражаси билан фарқланган. Бу даврда барча аъзо ёки аъзоликка даъвогар давлатлар ташкилот тузилишига, унинг кейинги фаолиятига янгича бир энтузиазм билан қарар эди. Ташкилот фаолиятида дуч келган ички ва ташқи мураккабликлар, аъзо давлатларнинг халқаро босимга учраши, ташкилот дастурий ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишидаги қийинчиликлар, аъзо давлатлар сиёсий қарашларидаги тарқоқлик, давлатлар тараққиётидаги нотекислик, ташкилот фаолиятида ва аъзо давлатлар муносабатида турли манфаатларнинг доимий тўқнаш келиши каби омиллар юқоридаги энтузиазмнинг маълум маънода камайишига олиб келган.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти сиёсий вазифаларни белгилаб олиш жараёнида асосий эътиборни Фаластин муаммоси билан бирга, аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, илмий ва интеллектуал ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратган. Масалан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирларининг 1974 йилда ўтказилган Лахор саммитида мусулмон давлатлари ўртасидаги келишмовчиликлар муҳокама қилинган бўлса (<http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/2/2nd-is-sum.htm#1>), 1981 йилда ташкил қилинган юқори даражадаги Макка учрашувида Сурия ва Иордания ўртасидаги зиддиятлар, Ироқ ва Эрон уруши, Ливиянинг Чад давлатига қўшин киритиши, Ливандаги вазият ва унга Суриянинг аралашуви масалалари, Ироқ ва Эронга ўт очиш, урушни тўхтатиш чақириғи (<http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/3/3rd-is->), шунингдек, 1988 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирларининг XVII конференцияси БМТнинг Бош Ассамблеясига «БМТнинг можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича 598-сонли резолюциясига амал қилмаётганлиги учун Уставга мувофиқ Эронга чоралар кўриш» (<http://ww1.oic-oci.org/english/conf/fm/17/17%20icfm>) бўйича муурожаатларига урғу берилган.

Жаҳонда халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар, сиёсий муаммоларнинг ортиши, ҳудудлардаги вазиятнинг кескинлашуви Ислом ҳамкорлик ташкилотини аъзо давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва қатъий чоралар кўришга ундади. Ташкилот саммит ва сессияларида аъзо давлатларнинг Ироқ-Эрон, Ироқ-Қувайт ўртасидаги урушларга, Судан-Миср, Жазоир-Марокаш ўртасидаги чегаравий зиддиятларга, Ироқ, Афғонистондаги ҳарбий сиёсий можароларга, Бахрайн-Эрон, БАА ва Эрон ўртасидаги ҳудудий баҳсларга кескин муносабат билдирилиб резолюциялар қабул қилинди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг сиёсий муаммоларни ҳал қилишдаги фаолиятига кўп жихатдан аъзо давлатлар ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро низолар салбий таъсир кўрсатган. Ушбу жараёнлар қуйидаги воқеликлар билан характерланади:

- Ироқ-Эрон ўртасидаги уруш натижасида Афғонистон муаммоси ўз ечимини топмаганлиги;
- Ироқ-Қувайт можаролари масаласида аъзо давлатлар турли ташқи сиёсий курсга эгаллиги;
- мусулмон аҳолиси озчиликни ташкил этувчи давлатларда мусулмонлар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича аъзо давлатлар қарашидagi тарқоқлик.

Ислом ҳамкорлик ташкилотининг 1970-1990 йилларда халқаро майдондаги фаолият жихатлари тадқиқ қилинганда, ташкилот ташкил топганлигига катта вақт бўлмаган бўлсада, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сезиларли сиёсий ютуқларга эришганлиги, ушбу ютуқлар умумжаҳон сиёсий майдонида эътироф этилиб, ташкилотнинг халқаро майдондаги обрўйини янада мустаҳкамланишига сабаб бўлганлиги аниқланди. Ташкилотнинг умумжаҳон сиёсатида эришган ютуқлари: Бирлашган Миллатлар ташкилотида араб тили расмий тиллардан бири сифатида қабул қилинди; БМТ Бош ассамблеяси томонидан фаластин халқи «Фаластин масаласи бўйича асосий иштиракчи» сифатида тан олинди; Фаластинни озод қилиш ташкилоти БМТда кузатувчи мақомига эга бўлди ва Бош Ассамблеяда «фаластин халқининг ажралмас ҳуқуқларини амалга ошириш» бўйича кўмита ташкил қилинди; Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бирлашган Миллатлар ташкилотида кузатувчи мақомига эга бўлди ва ўзаро ҳамкорлик ўрнатилди.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўз олдига қўйган мақсадларни сақлаб қолган ҳолда, ташкилот тузилиши ва фаолиятини такомиллаштирилганлигини ҳамда аъзолар сафи кенгайганлиги кузатилади. Лекин, геосиёсий вазиятдаги ўзгаришлар ташкилот

фаолияти давомида ўз ечимини топмаган эски муаммолар устига янгиларини, яъни мусулмон дунёсидаги демографик ўзгаришлар, оммавий миграция, исломнинг сиёсийлаштирилиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни вужудга келтирган. Ушбу муаммолар энди фақатгина Ислом ҳамкорлик ташкилоти ёки аъзо давлатларнинггина эмас, балки глобал миқёсдаги сиёсий муаммоларга айланди.

Ислом конференцияси ташкилоти жаҳон миқёсида юз берган вазият, халқаро муносабатларнинг доимий мураккаблашиб, ривожланиб боришига ҳамоҳанг тарзда, фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидан борди. Халқаро майдонда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг лидерлик даражаси юксак бўлса-да, вужудга келган хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, ташкилотнинг кейинги ривожланиш векторини белгилаш ёки қайта ташкил этиш масаласи ташкилот Саммитларида кўп бора кўтарилган. Бунинг ўзига хос объектив сабабларини бутун дунёдаги сиёсий, иқтисодий вазиятнинг доимий ўзгариб, ривожланиб, трансформациялашиб бориши билан боғлиқ жараёнларда кўришимиз мумкин. Чунки ўтган асрда вужудга келиб, ўша давр халқаро муносабатларининг мақсад ва вазифасини ўзида акс эттирган халқаро ташкилот учун ислоҳот масаласи муҳим ҳисобланар эди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида ташкилот вужудга келган пайтдан бошлаб босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Ислом ҳамкорлик ташкилоти фаолиятидаги кўплаб институционал ўзгаришлар айнан XXI асрда рўй берди. Амалга оширилган ислоҳотлар: - Ислом ҳамкорлик ташкилоти Уставига босқичма-босқич ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди; - 2008 йил Ислом ҳамкорлик ташкилоти Устави қайтадан қабул қилинди; - ташкилот фаолият механизмлари такомиллаштирилди; - ташкилот номи ўзгартирилди (Ислом конференцияси ташкилоти номи 2011 йилда Ислом ҳамкорлик ташкилоти сифатида ўзгартирилган) (<https://www.oic-oci.org/confdetail/?cID=11&lan=en>); - Котибият ваколатлари кенгайтирилди; - инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссияси жорий этилди; - аъзо давлатлар мажбурий бадал тўлаш назорат тизими ишлаб чиқилди; - ташкилотнинг модернизация қилиниши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бўйича фикр юритсак Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида дунё ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар билан турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирди.

Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият сари кириб келиши, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг деярли барча аъзолари томонидан тан олинди ва дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Илмий изланиш ва таҳлиллар натижасида Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари - ижтимоий интеграциялашув жараёни икки босқичда ривожланганлигини кузатамиз:

Биринчи босқич 1995 йилдан 2015 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар субъекти сифатида Ислом ҳамкорлик ташкилоти билан дўстона муносабатларни шакллантирди;

Иккинчи босқич 2016 йилдан кейинги даврни камраб олади, бунда ички барқарорлик шароитида Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва аъзо давлатлар билан кўп томонлама дўстона муносабатларни янада изчил ривожлантирди.

Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар 2016 йилдан бошлаб динамик ўсиш даражаси юқори бўлганлигини кузатамиз. Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти саммит ва форумларида Афғонистон масаласида, исломофобияга қарши кураш, терроризмга қарши туриш ва экстремизмдан огоҳлантириш, маърифат ва диний бағрикенгликка, шунингдек, ядро синовларига қарши халқаро кун ва Орол денгизини тиклаш каби кўплаб ташаббусларни илгари сурганлиги бевосита Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ва самарали иштирок этаётганлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлар асосида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ташкил этилиши, халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни ва Яқин Шарқ араб давлатлари ҳамкорлигига таъсири бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

– Яқин Шарқ худудида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос бўлиб, минтақанинг интеграциявий салоҳияти, молиявий истиқболлари, иқтисодий иттифоқчилиги, диний, мафкуравий, тил бирлиги, миллий ва этник яқинлиги, маданий ўхшашлик муносабатларни муваффақиятли ривожлантириш учун асос яратди. Жаҳонда энергетик ресурсларга бўлган талабнинг ошиши натижасида Яқин Шарқ араб давлатларининг ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиши ва молиявий имкониятларга эгаллиги боис давлатлар иқтисодий кўрсаткичи ошиб, ҳаёт даражаси юқори ўринга кўтарилди;

– Яқин Шарқда низолар ва геосиёсий курашларнинг авж олиши, дунёнинг қудратли давлатларини худудга нисбатан манфаатдорлигининг юқорилиги ҳамда қудратли давлатларнинг ўз позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борган сиёсий ўйинлари туфайли минтақада халқаро муносабатларнинг ўзига хос тизими шаклланди. Умумий хавфга қарши кураш омили, геосиёсий курашлар ва зиддиятлар шароитида миллий-диний манфаатларни ҳимоя қилиш зарурати туфайли Яқин Шарқ араб давлатлари номутаносиб ташки сиёсат минтақа ҳаёти учун ўта хавфли эканлигини англаб етишди;

– Исроил-Фаластин низолари, Ал-Ақсо масжидига ўт қўйилиши гарчи араб давлатлари ўртасида қарашлар турлича бўлса-да, араб национализи ёки бошқача айтганда, араб халқларининг миллий уйғонишига сабаб бўлиб, араб мусулмон бирдамлигини кучайтирди ва халқларни, давлатларни ҳамдардлик асосида бирлаштирди. Бу жараён мусулмон давлатларининг сиёсий ҳамкорлигига асос бўлиб Ислом ҳамкорлик ташкилоти вужудга келтирди;

– Барча мусулмон уммаси ҳамда Яқин Шарқ араб давлатларининг халқаро ташкилот тузиш учун сиёсий, иқтисодий ва энг муҳими, маънавий салоҳияти тўлиқ шакллانганлиги, ўзаро бирлашиш истаги, миллий, диний ўзликни англаш ва Ислом дини омили Ислом ҳамкорлик ташкилотини дунёнинг йирик халқаро ташкилотларидан бирига айлантирди;

– Ислом ҳамкорлик ташкилоти XX асрнинг иккинчи ярмида мусулмон давлатлари сиёсий ҳамкорлигининг энг муҳим институционал омили сифатида халқаро майдонга чиқди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлар ўртасида сиёсий интеграцияни ташкил этиб, мусулмон давлатларининг ҳамкорлик органини вужудга келтирди, унда аъзо давлатлар бирдамлигининг етакчи элементи диний омилга таяниб, Ислом умумий мезонлар бўйича ҳамкорликнинг асосий манбаси ҳисобланди. Аъзо давлатлар ўртасида мамлакатлар манфаатидан умумий манфаатлар устун келиб, ташкилот фаолиятида мусулмон уммасининг манфаатлари миллий манфаатлардан юқори қўйилди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти сиёсий жиҳатдан мусулмон ҳамжиҳатлигини вужудга келтирган, ислом уммасини бирлаштирган, халқаро майдонда уларнинг манфатларини ҳимоя қила олган, бутун мусулмон оламининг ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида фаолият юритаётган халқаро ташкилот ҳисобланади.

– Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ¼ қисмини ташкил этиши, аҳолиси сони тез ўсиб бораётган, иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатларни ўз ичига камраб олганлиги боис нуфузи

жиҳатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги ўринда турадиган халқаро ташкилот бўлиб, мусулмон давлатларини халқаро муносабатларга таъсир кўрсатишининг муҳим форматига айланди ҳамда мусулмон дунёсининг халқаро майдондаги обрўси ортишига хизмат қилди. Ислом ҳамкорлик ташкилоти халқаро муносабатлар тизимида мусулмон мамлакатлари ўртасидаги диний, маданий, сиёсий, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим актор ҳисобланади. Ташкилотнинг самарали фаолияти иқтисодий соҳада юқори бўлиб, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг институционал асосини яратди.

– Ислом ҳамкорлик ташкилоти олдин вужудга келган ва фаолияти самарасиз яқунланган ташкилотлардан ечимини топмаган муаммоларнинг мерос қолганлиги, ташкилот аъзо давлатлари ўртасидаги рақобат, ўзаро тил топиша олмаслик, етакчиликка интилиш, доимий курашлар ва сиёсий манфаатларнинг ислом ҳамжиҳатлиги ғояларидан устун қўйилиши каби омиллар ташкилот фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, минтақадаги сиёсий вазиятнинг турли сценарийлар асосида ривожланишига сабаб бўлган. Шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг сиёсий муаммоларни ҳал қилишдаги фаолиятига аъзо давлатлар ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро низолар салбий таъсир кўрсатган. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фаолият самарадорлигини таъминлаш ҳамда резолюцияларга амал қилишнинг аниқ ва мажбурий механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги, амалий ижро мониторинги тизими йўлга қўйилмаганлиги ташкилот ижтимоий - сиёсий барқарорлигига таъсир кўрсатган.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchisha-18-10-2016>.
2. Аминуддин Мутмайн Айнуддин. Организация Исламская Конференция: Международно-правовой аспект / дисс. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург, 1998. –С.5.
3. Ал-Файез Мохаммед Зия. Роль ОИК в решении региональных проблем / Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. –М.: 1990.Б.14
4. Абдуллаев Н.А. Сурия Араб Республикасининг яқин шарқ муаммоси юзасидан минтақадаги сиёсати / сиёс.фан.номз. ... дисс. –Т.: 2000. –24 б.
5. Ёвқочев Ш. Жаҳон сиёсатида ислом омили. Тошкент-2016. –Б.176.
6. Third Islamic summit conference Mecca Al Mukarramah 19-22 rabi Al-Awal 1401 H. 25-28 january 1981 Resolutions on political affairs. Resolution No. 6/3-E(IS) the Iraqi-Iranian conflict. [http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/3/3rd-is-sum\(political\).htm](http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/3/3rd-is-sum(political).htm)
7. The seventeenth Islamic conference of foreign Ministers session of Islamic solidarity with the uprising of the palestinian people Resolution NO. 22/17-P on the Iraq-Iran conflict. <http://ww1.oic-oci.org/english/conf/fm/17/17%20icfm-political-en.htm#RESOLUTION%20NO.%2022/17-P>
8. <http://www.oic-oci.org/>
9. <http://www.oic-oci.org/ex-summit>
10. Ibrahim Sharqieh. Can the Organization of Islamic Cooperation (OIC) Resolve Conflicts? Peace and Conflict Studies: Vol. 19: No.2, Article 3. 2012. –P. 219-236.
11. Каримов Ф.Э. Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири/ Сиёс. фан. б.фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. –Т.: 2017. – 20 б.
12. Cohen S. Geography and Politics in a Divided World. The Eurasian Convergence Zone: Gateway or Shatterbelt? // Eurasian Geography and Economics. Londres, Methuen. - 1964. - No. 1. - P. 1 - 22.
13. Mansfield P. A History of the Middle East. Penguin Books Ltd, 1991. –429 p.
14. Мунавваров З.И. Арабистон ярим ороли мамлакатлари. – Т.: Фан, 1994.
15. Мунавваров З. И. Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века/ автореф. дисс. ... док. полит. наук. – Т.: 1997. – 256 с.
16. Мухаммадсидиков М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири/ Сиёс. фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 2018. – 272 б.
17. Samuel P. Huntington. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. First Touchstone Edition, Published 1998. –368 p.
18. Second Islamic summit conference. Lahore, Islamic Republic of Pakistan. 29 moharram - 1st safar 1394 H. 22 - 24 february 1974. <http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/2/2nd-is-sum.htm#1>
19. Чикаидзе Ц.М. Проблема арабского единства в ближневосточной политике Великобритании в 20-х начале 50-х. XX в. / Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ставрополь, 2009. –32 с.
20. Shahnaz Akhtar. The Role of the Organization of the Islamic Conference in Political and Economic Cooperation of the Muslim World (1974–1994). Unpublished PHD Thesis Submitted to Bahauddin Zakariya University Multan, 2002. – 325 p.
21. Шумилин А. Взаимодействие стратегий России и США на Большом Ближнем Востоке/Автореф. дисс. ... д-ра.полит.наук. –М.: 2009. –39 с.
22. Yannis A. Stivachtis. Conflict and Diplomacy in the Middle East External Actors and Regional Rivalries. Bristol, England 2018. –166 p.
23. Фафуров С.М. Форс кўрфази араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва умумжаҳон

- хавфсизлигини таъминлашдаги мавқеи / Сиёсий фан. д-ри. ... дисс. – Т.: 2002. – 290 б.
24. History of Masjid Al Aqsa :The Reason of Conflict. <https://islamhashtag.com/history-of-masjid-al-aqsa-the-reason-of-conflict/>
 25. 38 th Session of The Council of Foreign MinistersAstana, Republic Of Kazakhstan (28 – 30 June 2011). <https://www.oic-oci.org/confdetail/?cID=11&lan=en>
 26. Yovkoshev, Sh. (2018). ISLAM IN UZBEKISTAN: THE HISTORY AND MODERNITY. The Light of Islam, 2018(1), 2.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bazharuvchi-sha-18-10-2016>.
2. Aynuddin, A.A. (1998). Organizatsiya Islamskaya Konferentsiya: Mejdunarodno-pravovoy aspekt / diss. ... kand. yurid. nauk. Sankt-Peterburg.
3. Moxammed, Z. (1990). Rol OIC v reshenii regionalnix problem /Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. Moskva.
4. Abdullayev, N.A. (2000). Suriya Arab Respublikasining Yaqin Sharq muammosi yuzasidan mintaqadagi siyosati / siyos.fan.nomz. ... diss. Toshkent.
5. Yovqochev, Sh. (2016). Jahon siyosatida islom omili. Toshkent.
6. Third Islamic summit conference Mecca Al Mukarramah 19-22 rabi Al-Awal 1401 H. 25-28 january 1981 Resolutions on political affairs. Resolution No. 6/3-E(IS) the Iraqi-Iranian conflict. [http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/3/3rd-is-sum\(political\).htm](http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/3/3rd-is-sum(political).htm)
7. The seventeenth Islamic conference of foreign Ministers session of Islamic solidarity with the uprising of the palestinian people Resolution NO. 22/17-P on the Iraq-Iran conflict. <http://ww1.oic-oci.org/english/conf/fm/17/17%20icfm-political-en.htm#RESOLUTION%20NO.%2022/17-P>
8. <http://www.oic-oci.org/>
9. <http://www.oic-oci.org/ex-summit>
10. Sharqieh, I. (2012). Can the Organization of Islamic Cooperation (OIC) Resolve Conflicts? Peace and Conflict Studies: Vol. 19: No.2, Article 3.
11. Karimov, F.E. (2017). Yaqin Sharq davlatlaridagi etnosiyosiy jarayonlarning mintaqa xavfsizligiga ta'siri/ Siyos. fan. b.fal. d-ri (PhD) diss. avtoref. Toshkent.
12. Cohen, S. (1964). Geography and Politics in a Divided World. The Eurasian Convergence Zone: Gateway or Shatterbelt? // Eurasian Geography and Economics. Londres, Methuen. - No. 1.
13. Mansfield, P. (1991). A History of the Middle East. Penguin Books Ltd.
14. Munavvarov, Z.I. (1994). Arabiston yarim oroli mamlakatlari. Toshkent.
15. Munavvarov, Z.I. (1997). Strani Araviyskogo poluostrova v mejdunarodnix politicheskix i ekonomicheskix otnosheniyax XX veka/ avtoref. diss. ... d-ra. polit. nauk. Toshkent.
16. Muhamadsidiqov, M.M. (2018). Afrika arab davlatlarida dinning siyosiy lashuvi va uning siyosiy jarayonlarga ta'siri/ Siyos. fan. d-ri. ... diss. Toshkent.
17. Huntington, S.P. (1998). The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. First Touchstone Edition, Published.
18. Second Islamic summit conference. Lahore, Islamic Republic of Pakistan. 29 moharram - 1st safar 1394 H. 22 - 24 february 1974. <http://ww1.oic-oci.org/english/conf/is/2/2nd-is-sum.htm#1>
19. Chikaidze, S.M. (2009). Problema arabskogo yedinstva v bijnevostochnoy politike Velikobritanii v 20-x nachale 50-x. XX v. / Avtoref. diss. ... kand. istor. nauk. – Stavropol'.
20. Akhtar, Sh. (2002). The Role of the Organization of the Islamic Conference in Political and Economic Cooperation of the Muslim World (1974–1994). Unpublished PHD Thesis Submitted to Bahauddin Zakariya University Multan.
21. Shumilin, A. (2009). Vzaimodeystviye strategiy Rossii i SShA na Bol'shom Blijnem Vostoke/Avtoref. diss. ... d-ra.polit.nauk. Moskva.
22. Yannis, A. Stivachtis. Conflict and Diplomacy in the Middle East External Actors and Regional Rivalries. Bristol, England 2018. –166 p.
23. G'afurov, S.M. (2002). Fors ko'rfazi arab davlatlari va O'zbekiston Respublikasining mintaqaviy va umumjahon xavfsizligini ta'minlashdagi mavqe'i / Siyosiy fan. d-ri. ... diss. Toshkent.
24. History of Masjid Al Aqsa :The Reason of Conflict. <https://islamhashtag.com/history-of-masjid-al-aqsa-the-reason-of-conflict/>
25. 38 th Session of The Council of Foreign MinistersAstana, Republic Of Kazakhstan (28 – 30 June 2011). <https://www.oic-oci.org/confdetail/?cID=11&lan=en>
26. Yovkoshev, Sh. (2018). ISLAM IN UZBEKISTAN: THE HISTORY AND MODERNITY. The Light of Islam, 2018(1), 2.

